

ФРАНЦУЗ ТАРИХИЙ ҚАҲРАМОНЛАР ИСМИ ВА ТАНИҚЛИ СПОРТЧИЛАР ЛАҚАБИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Камолова Санобар Жабборовна

ЎзДЖТУ доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166729>

Француз ономастикасида атоқли отлар-антропонимларни ўрганишга қизиқиш энг аввало, атоқли ва турдош отларни бир бирига қарама-қарши қўйиш сабабли келиб чиққан. Бундай қарама-қарши қўйиш атоқли отнинг морфологик ва семантик хусусиятлари билан боғлиқ. Француз атоқли отлари-антропонимлари тўғрисида ахборотни француз тилининг грамматикаси бўйича ишларда учратиш мумкин [Molino 1982 ; Leroу 2004; Гак 2000]. Ўзининг ахборот салоҳиятига мувофиқ ҳар бир атоқли от, индивидуал номларнинг муайян тоифасига тегишли бўлишидан қатъий назар, тил ва нутқда ҳажми ва йўналиши бўйича коммуникатив, апеллятив, экспрессив функцияларни амалга ошириши мумкин. Отнинг идеологик ва эмоционал юкламаси алоҳида функция бўлмасдан, аксинча у тўғридаги ахборотнинг элементи бўлиб хизмат қилади. Мазкур мақолада атоқли отнинг матн таркибида амалга ошириладиган функцияларидан фақат биттаси, яъни апеллятив функцияси устида тўхталамиз. Муайян шахс номига нисбатан апелляция ёки муражаат, аксарият ҳолларда, матн доирасида миллий лингвомаданий билимларга боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Маданият кўзгусида тилни ўрганиш ҳамда тил орқали маданиятни билишга интилиш тадқиқотчиларни ҳар бир тилда жуда чекланган, доимий ўзгариб борадиган ва ушбу лингвомаданий ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мажбурий, улар ўртасида тушунишни таъминлайдиган маълумотлар тўпламининг мавжудлиги тўғрисидаги ғоянинг шаклланишига сабаб бўлди [Косиченко: 4]. Муайян лингвомаданий ҳамжамият учун муҳим жамоавий тасаввурларнинг бир қисми бўлган бундай туб маънолар прецедентлар деб аталди. Д. Б. Гудков фикрига кўра, прецедентлар - бу фаолият учун намуна бўлиб хизмат қиладиган фактлардир. Бундай фактлар хулқ-атворнинг моделларини, нима қилиш кераклиги/керак эмаслигини белгилайдиган хусусиятларнинг ва/ёки хатти-ҳаракатларнинг бир намунали мисоли сифатида хизмат қилади [Гудков].

В. В. Красных, прецедентлик назариясининг асосчиси саналган Ю. Н. Карауловнинг таърифини мазмунан кенгайтирган ҳолда, қуйидаги ҳодисаларни прецедентлик қаторига киритади:

- 1) миллий-маданий ҳамжамиятнинг барча вакилларига яхши таниш ҳодисаларни;
- 2) когнитив (билиш ва ҳиссиёт) кўзгусида долзарб бўлган ҳодисаларни;
- 3) муайян миллий лингвомаданий ҳамжамият вакиллариининг нутқида доимий равишда қайта тикланадиган ҳодисаларга нисбатан муражаатни [Красных: 44-45].

Тарихий арбоблар бўлган реал персонажларнинг гуруҳини ташкил қиладиган прецедент исмлар орасида энг кўп учрайдиганлардан Jeanne d' Arc исмга нисбатан муражаатни алоҳида кўриб чиқамиз. Jeanne d'Arc исмининг прецедентлиги аниқ, қуйидаги мисолларни далил сифатида келтирамиз.

«Нега Сеголен Руаялнинг мағлубияти Хилари Клинтонни ташвишга солмаяпти?» номли мақолада Сеголен Руаял (Ségolène Royal)нинг сиёсий фаолиятини тасвирлашда, муаллиф «Нью-Йорк Таймс» газетасининг америкалик корреспонденти Морен Доу

(Maureen Dowd)нинг ҳаволасини келтиради. Ушбу ҳаволада Франция президентлигига номзод ижобий баҳоланади. Унда муаллиф Сеголен Руаялнинг Джеймс Бонднинг қизи исмига, фаришта табассумига, келишган қадди-қоматга эга эканлиги ва Жанна д'Аркдай жанг қилиши тўғрисида гапиради: «Maureen Dowd, l'une des plumes les plus acérées du New York Times, a délaissé exceptionnellement la classe politique américaine pour aller voir de près cette candidate dotée «d'un nom de James Bond girl, d'un sourire d'ange, d'une silhouette superbe en bikini à 53 ans et qui fait campagne comme Jeanne d'Arc» [7].

Бир томондан, муражаат вазиятга нисбатан амалга ошириляпти. Ўз вақтида Жанна д'Арк ўзининг ва Франциянинг манфаатларини жанглarda иштирок этиб ҳимоя қилгани каби Сеголен ҳам ўз манфаатларини худди шундай ҳимоя қилади. Бошқа томондан, бир оз ниқобланган характер хусусиятларига нисбатан муражжатни кузатамиз. Бундай ҳолатда урғу урушда иштирок этиш фактида характер томонга силжийди. Жанна қандай жанг қилган? Довюраклик билан, жасорат билан, собитқадам билан ва ҳ.з.

Муаллиф ташқи кўринишга, аниқроғи кийимга нисбатан муражаат қилади. Унинг фикрига кўра, д'Арк оқ либосда бўлган ва Руаял хонимни таърифлашда у оқ ранг тўғрисида гапиради. Журналистнинг фикри мантикий тугалланганликка, аниқ таърифга даъво қилмайди, лекин унинг субъектив муносабатини аниқ ифода этади.

Худди шу мақолада прецедент вазият орқали ушбу прецедент исмга нисбатан муражаатга яна бир мисол бор: «Mais de son échec elle a fait une victoire personnelle. Alors elle continue. Tenace. Telle Pucelle D'Orléans elle entendait les voix: «Je sens au'il y a de plus en plus d'hommes et de femmes qui se tournent vers moi» - déclarait elle...» [7].

Муаллиф Сеголен Руаялнинг Франциядаги президент сайловларида мағлубияти ҳақида гапиради. Аммо, мағлубиятига қарамасдан, аёл ўзининг машҳурлигига ишонади. Унинг сўзларига кўра, тобора кўп одамлар унга муражаат қилишмоқда. Прецедент вазиятга, хусусан, Орлеан қизи овозларни эшитарди (elle entendait les voix), овозлар туфайли нима қилиш кераклигини биларди ва ўз мақсадига эришарди вазиятига муражаат қилган ҳолда, муаллиф Жанна д'Арк билан ўхшатишдан фойдаланади. Мақолада таниқли спортчиларнинг лакабларини кўриб чиқишни жоиз топдик

Сир эмаски, ҳаётнинг бошқа жабҳаларидаги каби футболчилар ҳам ўзаро мулоқот пайтида ихчам қисқартма - лакаблардан фойдаланишади.

Шунингдек, қайсидир касбдоши хусусида фикр билдириш чоғида ҳам тахаллусларга мурожаат қилдилар. Масалан, Анхель Ди Мария Месси ҳақида гапирганида «Гном» ёки «Карлик» ибораларини қўллаганди.

Луис Суарес эса қуруқ гап билан кифояланмай, Леога ўзининг гном тасвири туширилган пижамасини совға қилганди. Бу ажойиб хислатдан ҳеч ким бенасиб бўлмаган.

Ташқи кўриниши учун берилган лакаблар:Тахаллусларнинг энг йирик гуруҳи. Чунки, уларни ўйлаб топиш жуда осон. Месси «Гном» лакабига лойиқ кўрилганда унинг бўйи 140 см. эди. Широковга Кокорин канадалик Биберни эслатди.

Иньеста эса рангпар юзи учун «Каспер» тахаллусини олди. Торреснинг болаларга хос юз кўриниши «ал Ниньо» («Кичкинтой») лакабига лойиқ кўрилди. Оле-Гуннар

Сульшерни рақиблари «Бола кўринишидаги қотил», Сантьяго Канисаресни эса «жаллод» деб аташарди.

Голландиялик Райцигер эса мухлислар ўртасида «Противогаз» номи билан машхур. Англиялик касбдошларимиз Дан Петреску сиймосида машхур актёр Дэвид Духовнини кўрадилар. Шу тариқа «Агент Малдер» лақаби пайдо бўлди. Рекоба ва Давид Сильва - «хитой», Рибери - «чандиқ юз», Хави Эрнандес - «Хэмфри Богард». Айтганча, Хавида яна «Профи» ҳамда «Муаллим» тахаллуслари ҳам бор. «Сўйлоқ» лақаби эса Роналдо ва Роналдиньога тегишли эканини яхши биласиз.

Мессини «Гном»дан ташқари «Атом Бурга» деб ҳам аташади. Бўйи паст болаларни «Пьюхо», яъни «Бурга» деб аташ Аргентинада одат тусига кирган. Масалан, хужумчи Клаудио Лопесни ҳам Эдгар Давидс билан Христо Стоичков ўзларининг уришқоқ кўппакка хос табиатлари туфайли «Питбуль» лақабига сазовор бўлишган.

Гаттузо - «Каркидон», Савиола - «Қуёнча», Жек Чарльтон ва Нванкво Кану - «Жирафа», Кевин Киган - «Сичқон», дароз Ян Коллер - «Дино», Ортега - «Хўтик», Пато эса - «Ўрдак». Рақибларини чақиб оладиган зарбалари Игитага «Чаён» тахаллусини ҳада этган бўлса, қора свитерни хуш кўрган Лев Яшин «Қора ўргимчак», афсонавий Эйсебио эса «Пантера» лақаби билан ном қозонишган.

Рақам ва ҳарфларда ифодаланган лақаблар:Баъзи тахаллуслар футболчи исм-шарифининг бош ҳарфлари ва рақамлари билан ифодаланади. Масалан, Тимошук - Т-44, Бистров - «34-тезюар». Златко Заховичга тегишли «ZZ-Тор» машхур рок-гурӯҳини эслатади.

Буюк Эленио Эррера исм-шарифининг бош ҳарфлари - «НН» билан аталади, марҳум Валерий Васильевич Лобановский эса ВВЛ билан. Александр Шовковскийни яқинлари «Сашо» деб аташарди.

Кишининг табиатига оид лақаблар:Болалигида Роналду «йиғлоқи» лақаби билан машхур эди. У доимо жамоадошлари билан тортишар, ҳатто тўпни узатмай қўйишгани учун йиғлаб, жанжаллашарди. «Телба» тахаллуси ҳам жуда кенг тарқалган: англиялик Пире, уругвайлик Абреу, колумбиялик Игита, аргентиналик Бьелса ва бошқа кўпгина футболчию мураббийлар шулар жумласидандир.

«Спартак» афсонаси Игорь Неттони нафақат узун бўйни, балки дўстларига пишиллаб гапириши учун ҳам «Ғоз» деб аташган. Пол Гаскойн эса ширакайф турмуш тарзи туфайли «Алкаш» номи билан танилган.

Исм-шарифидан олинган лақаблар:

Бевосита футбол туфайли «туғилган» лақаблар. Одатда, машғулот ёки ўйин жараёнида мураббийлар ўз шогирдларини исми ёки фамилиясини қисқартириб чақирашади. «Шава» (Аршавин), «Шева» (Шевченко), «Керж» (Кержаков) каби тахаллуслар шу тариқа пайдо бўлган.

Радим, Съеч, Бес, Пога, Кири, Тит, Алень... - бу атамалар қайси футболчиларга тегишли эканини дарров пайқаган бўлсангиз керак. Қисқартмага «гол» иборасини қўшиш лақабнинг жарангдорлигини оширади - Батигол, Габигол.

Француз тилидаги ҳақоратомуз лақаблардан ташқари, Марко Матерацци ўз фамилиясидан олинган «Матрица» тахаллусига ҳам эга. Айрим исм-шарифларини биров ўзгартириш ҳам қувноқ тахаллусларни бериши мумкин. Масалан, Набабкин -

Кабабкин. Бу лақаб Лукас Подольскига манзур бўлиши аниқ - «Шаҳзода Польша» яқинда Кёльнда кабобхона очганди.

Испаниянинг жаҳон тождорига айланишида муносиб улуш қўшган Пике «Пикенбауэр» тахаллусига муносиб қўрилди. «Зизу» лақаби эса исм-шарифнинг қисқартмаси эмас. «Зиза» ёки «Зази» бўлганида бошқа гап эди. Зайниддиннинг дўстлари Яз ёки Зиз деб чақиришади.

Аниқланишича, унинг тўлиқ исми Зайниддин Язид экан. Эҳтимол, Зиз ибораси осонроқ талаффуз қилиш оқибатида «Зизу» кўринишини олгандир?

Бундай лақабларга эришиш осон эмас. Чунки, улар кишининг қандайдир камчилигини тасдиқлаш учун эмас, аксинча, ижобий фазилатларини улуғлашга хизмат қилади.

Пеле, Контана, Далглиш, Киган - «қироллар», Кройфф - «Учар голланд», Марадона - «Микеланжело», Роналдо - «Феномен», Беккенбауэр - «Кайзер» (немис монархларининг олий унвони худди римликлардаги «Цезарь» унвони каби).

Мостовойни Испанияда «Шоҳ» дея эъзозлашарди. Шунингдек, Шевченко ва Пьетро Верховод ҳам ўз вақтида Италияда шундай унвонга сазовор бўлишган. Футболнинг ўз императорлари (Тотти, Адриано) ва шаҳзодалари (Подольски, Франческоли, Редондо) мухлисларга яхши таниш. Месси ва Роналдудек камёб ўйинчилар ҳанузгача «Гном» ва «Пеналду» лақабларига қаноат қилиб келишмоқда. Ваҳоланки, уларни «Росариолик даҳо» ёки «Мадейралик афсунгар» дейилса, муболаға бўлмасди.

Кинояли ва ажабтовур лақаблар

«Аэроплан» Монтелла - голни нишонлаш услубига кўра, «Уйкудаги монстр» - Роман Павлюченко ўйин услубига кўра, «Каннибал Суарес» - фаолиятидаги тишлогич табиатида кўра, «Спайс Бой Бекхэм» - рақиғаси Виктория куйлаган гуруҳ шарафига.

Ота-ўғил Веронларга «ялмоғиз» ва «ялмоғизча» лақаби жуда мос тушган, «Шрек» ибораси Рунини англатади, «Трактор» эса афсонавий Хавьер Занеттига тааллуқли. Пуйоль билан Гаттузо «довюрак» тахаллуси билан танилган. Шунингдек, Карлсда «Пудель» лақаби ҳам йўқ эмас.

Жингалак юнгли беозор кучукча россиялик бир мураббийга ҳам тегишли. Бақакўз Озилни Германия терма жамоаси ва «Арсенал»дагилар «Немо» деб аташади. Хавьер Эрнандесга нисбатан «Чичарито» билан биргаликда «нўхат» лақабини ҳам ишлатишади. Чунки унинг кўзлари нўхат рангида.

Демак, француз миллий тарихий қаҳрамонлар исми ва таниқли спортчилар лақаблари ҳамма шахслар учун характерли хусусиятга эга инсонларнинг бутун синфига берилмасдан, индивидуал шахсга берилади; исм тил сатҳида тушунча билан бевосита боғланмаган ва аниқ бирмаъноли коннотацияга эга бўлмайди. Нутқ сатҳида Jeanne d'Arc атоқли оти прецедент тарзда қўлланади, ушбу прецедент отнинг турли белгиларига (характер, кийимнинг рангги, прецедент ситуация - ўз ва Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳ.з.) нисбатан муражаат амалга оширилиши мумкин. Франциянинг тарихий давлат арбоблари исм-фамилияларининг матнларда экстенционал ва интенционал қўлланиши ҳалатларини лингвомаданият кўзгусидан тадқиқ қилиш маданиятлараро мулоқот компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг асосини ташкил қилиши мумкин.

References:

1. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. М.: Доросвет, 2000. - 832 с.
2. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003. - 288 с.
3. Косиченко, Е. Ф. Прецедентные имена как средство выражения субъективной оценки : дис. ... канд. филол. наук. - М., 2006. - 194 с
4. Красных, В. В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология : курс лекций. - М. : Гнозис, 2002. - 284 с.
5. Leroy S. Les noms propres en français. Paris: Ophrys, 2004. - 137 p.
6. Molino O. Les noms propres dans la langue. Langages, 1982. N 66. - Pp. 5-20.
7. Le figaro. - URL: <http://www.lefigaro.fr> (дата обращения 10. 11. 2013).

